

зикрика ва шукрика ва ҳусни ибадатика» дейишни тарк қилмаслигини тавсия қиламан», дедилар».

Абу Довуд ва Насий ривоят қилганлар.

Ушбу ривоятдаги дуонинг маъноси:

«Аллоҳим, менга зикрингни, шукрингни ва ҳусни ибодатингни қилишга Ўзинг ёрдам бергин».

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳунинг фазилатлари.
2. Бировни яхши кўрган одам муҳаббатини изҳор қилиб, айтиши мумкинлиги.
3. Талаб қилинмаса ҳам, маънони таъкидлаш учун қасам ичиш мумкинлиги.
4. Устоз ўз шогирдига сўрамаса ҳам, зикрни ўргатиб бориши кераклиги.
5. Ушбу зикрининг фазли ва уни намоздан кейин айтиб юриш зарурлиги.

مَلَسَ وَهَيَّعَ لَهَا لَصَّهَ لَلْأُولُوسَ رِيَّانَ مَأْلَاقُ هَعُ هَلَلِ يَضْرَمَ عِنَبَ بَقْعَ نَع
عَحَّصَ وَكَحَّصَ لَأَوْنَسَ لَبَّاحِصًا هَأَوْرِيَّهَ لَكْرُبْدَتِ ادَّوْعُ مَلَبَّ أَرْقَأْنَا

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга ҳар бир намоздан кейин «Муъаввизатни ўқишимни амр қилдилар».

«Сунан» эгалари ва Ҳоким ривоят қилганлар. Ҳоким саҳиҳ, деган.

Шарҳ: «Муъаввизат» – Фалақ ва Ан-нас сураларидир.

Демак, намоздан кейин ушбу икки муборак сурани ўқиб қўйиш ҳам яхши экан.

لَوْ قَتَفِيكَ؛ لَجَرَلْ لَأَقَمَّ لَسَوَهَيَّعَ لَهَا لَصَّهَ لَلْأُولُوسَ رِيَّانَ مَأْلَاقُ هَعُ هَلَلِ يَضْرَمَ عِنَبَ بَقْعَ نَع
أَمَّا رَأْنَلَانَمَ كَبُذُوعًا وَنَجَلْ كَلَّاسًا يِنَّمُ هَلَلِ لَوْ قَأَوْدَشَتَا؛ لَأَقِ؟ هَالَّصَلَا يِف
أَهْلَوْحَ؛ مَلَسَ وَهَيَّعَ لَهَا لَصَّهَ لَلْأُولُوسَ رِيَّانَ مَأْلَاقُ هَعُ هَلَلِ يَضْرَمَ عِنَبَ بَقْعَ نَعُ نَسْحُ أَلَّ يِنْنِ
هَعَامُ نَبَّأَوْدَادُ وَبَأَهَأَوْرُنْدُنْدُنِيَّاهَ لَوْحَ أَدَاغَمَ وَيِنْنِ؛ هَيَّأَوْرِيَّهَ وَنَدُنْدُنْ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишига:

«Намозда қандай (нарсани) айтасан?» дедилар.

«Ташаҳҳудни ўқийман ва «Аллоҳумма инни асъялукал жанната ва аъзузу бика минаннар», дейман. Аммо мен сизнинг пичирлашингизни ҳам, Муознинг пичирлашини ҳам эплай олмайман», деди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Биз ҳам шунга ўхшаш пичирлаймиз», дедилар».

Бошқа бир ривоятда келишича:

«Албатта, мен ҳам, Муоз ҳам ана ўша иккови атрофида пичирлаймиз», дедилар», дейилган.

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилганлар.

Шарҳ: Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Мен ҳам, Муоз ҳам ана ўша иккови атрофида пичирлаймиз», деганлари жаннат ва дўзах ҳақида сўраймиз, маъносидадир.

Дуоларининг маъноси: «Аллоҳим, албатта, мен Сендан жаннатни сўрайман ва дўзахдан паноҳ тилайман».

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Баъзи вақтда раҳбар ва устоз ўз атбоъ ва шогирдларини имтиҳон қилиб, сўраб-суриштириб туриши зарур эканлиги.
2. Намозда жаннатни сўраб ва дўзахдан паноҳ тилаб дуо қилиш мумкинлиги.
3. Намозда дуонинг пичирлаб қилиниши.
4. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўта тавозели эканликлари ва ҳадисда зикри келган кишининг дуосини тасдиқлаганликлари.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.